

**Тошкент давлат юридик университети,
Ўзбекистон Республикаси,
Шпайер шаҳридаги Германия маъмурий фанлари университети, Германия ва
Германия оммавий-ҳуқуқий бошқарув тадқиқот институти, Германия
ўртасидаги
ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДА ШАРТНОМА**

Тошкент давлат юридик университети, Шпайер шаҳридаги Германия маъмурий фанлари университети, Германия оммавий-ҳуқуқий бошқарув тадқиқот институти, биргаликда “Томонлар” деб аталади, ўзаро фойдали ҳамкорликдан, хусусан ўқув жараёнини такомиллаштириш ва модернизация қилишдан; илмий тадқиқотларни ривожлантиришдан; келгусида ҳуқуқни немис ва инглиз тилида ўрганиш учун немис тилини кенг ўргатишни рағбатлантиришдан; ўқитувчилар, илмий ходимлар, докторантлар ва магистратура талабаларини ўзаро академик алмашувларидан манфаатдор эканлигини эътиборга олиб, томонлар қуйидагилар ҳақида келишдилар:

1-модда. Шартнома предмети

Ушбу шартноманинг предмети Томонлар ўртасидаги ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, турли таълим лойиҳаларини ишлаб чиқиш, ўзаро ҳамкорликда илмий-тадқиқот дастурларини ўтказиш, ўзаро ахборот и илмий нашрлар билан алмашинув, шунингдек, ўқитувчилар, илмий ходимлар, докторантлар ва магистратура талабаларини ўзаро академик алмашинувидан иборат.

2-модда. Ҳамкорлик соҳалари

1. Томонлар қуйидаги махсус соҳаларда ўзаро ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш мажбуриятини олишади:

- а) юридик, илмий ҳамда ҳуқуқий таълим менежменти;
- б) қиёсий ҳуқуқшунослик;
- в) маъмурий тузилиш, маъмурий процесс ва суд назорати;
- г) оммавий хўжалик ҳуқуқи;
- д) давлатчилик ва глобаллашув;
- е) ривожланиш бўйича ҳамкорлик;

2. Ҳамкорлик йўналишлари:

- а) Томонларда қизиқиш уйғотадиган илмий нашрлар ва маълумотларнинг алмашинуви;
- б) ўқитувчилар, илмий ходимлар, докторантлар ва талабаларнинг академик алмашинуви;
- в) ўзаро тадқиқот лойиҳаларини ўтказишдан иборат бўлиши мумкин.

3. Томонлар ушбу Шартнома асосида ва доирасида ўзаро ҳамкорликда қандай тадқиқот ҳамда таълим лойиҳалари амалга оширилиши мумкинлигини келишган ҳолда белгилайдилар.

3-модда. Академик алмашинув

Академик алмашинувни қўллаб-қувватлаш учун Томонлар куйидаги шартлар асосида академик алмашинув дастурини қабул қилишади:

1. Тадқиқот режаси/Ўқув режаси

ҳар бир тадқиқотчи/талабанинг тадқиқот/ўқув дастури қабул қилувчи университет профессори билан биргаликда тадқиқот иши ва ўқув жараёнига мувофиқ белгиланади;

қабул қилувчи университет ҳар бир тадқиқотчи/талабага ёзма равишда қабул ҳақидаги хабарномани тақдим этади. Тадқиқотчилар/талабалар қабул қилувчи университетда ўқув тадбирларга қатнашиш учун етарли тил билими даражасига эга бўлиши назарда тутилади.

2. Тадқиқот/ўқишга рухсат бериш ва академик натижаларни қабул қилиш

Академик алмашинув бўйича тадқиқотчилар/талабалар қабул қилувчи университетга қабул қилинади. Тадқиқот/ўқиш яқунланганидан сўнг тадқиқотчи/талабалар, уларнинг академик натижаларини тасдиқловчи ҳужжатлар, ўзининг университетига етказиб берилиши учун масъул бўлади;

қабул қилувчи университетда ўқиш вақтида талабалар томонидан олинган академик натижалар, ўзининг университетиде ҳақиқий деб тан олинади. Талабалар баҳолари ва кредитларини маҳаллий баҳолаш тизимига мувофиқ қайта кўриб чиқиш ҳуқуқи ўзининг университетига тегишлидир.

3. Қабул қилиш, тўловлар ва бошқарув

Ҳар бир талаба ўз университетиде ушбу мамлакат қонунчилигида белгиланган тартибга мувофиқ ўқиш учун тўловни амалга оширганидан сўнг қабул қилувчи университетга қабул қилинади. Қабул қилувчи университет, академик алмашинувда иштирок этаётган талабаларни ўқиш учун тўловлардан озод этади.

Тадқиқотчилар/талабалар зарур йўловчи ҳужжатларни олиш учун ўзлари масъул ҳисобланади. Кутубхонадан, талабалар ва спорт иншоотларидан фойдаланиш учун харажатлар таълим харажатларига киритилади. Талабалар томонидан жойида сарфланадиган қўшимча харажатлар, масалан, лаборатория, махсус спорт тадбирлари учун, академик алмашинув бўйича талабалар томонидан ўз ҳисобидан қопланади. Немис қонунчилигига мувофиқ, Шпайер шаҳридаги Германия маъмурий фанлари университетиде белгиланган семестр тўловидан талабалар озод қилинмайди.

Алмашинув бўйича тадқиқотчи/талабалар қабул қилувчи университетде белгиланган тартиб ва талабларга бўйсунуши шарт. Алмашинув бўйича талабалар ўқишни ўзининг университетиде яқунлаши шарт.

4. Уй-жой, китоблар, яшаш, озиқ-овқат учун харажатлар

Тадқиқотчи/талабалар уй-жой, китоблар сотиб олиш ва озиқ-овқат учун харажатларни ўз ҳисобидан қоплайдилар. Университетлар талабаларга яшаш учун уй-жойни излашда қўмаклашади.

Тиббий суғурта учун харажатларни тадқиқотчи/талабалар ўз ҳисобидан қоплайдилар. Тадқиқотчи/талабалар қабул қилувчи университет ёки қабул қилувчи мамлакат талабларига мувофиқ тиббий суғурта тўғрисида шартнома тузишлари шарт.

Йўл харажатлари ва яшаш учун харажатлар тадқиқотчи/талабалар томонидан қопланади.

4-модда. Ҳамкорлик ва алмашинув дастури бўйича бошқарув

Ҳар бир томон ҳамкорлик ва алмашинув дастури бўйича масъул шахсни белгилайди. Масъул шахслар ўзининг томонларини дастурдаги ўзгаришлар тўғрисида хабардор қилади.

5-модда. Шартномани амал қилиш муддати

1. Шартнома, учта бир хил нусхада, тегишлича рус, ўзбек ва немис тилларида тузилиб, Тошкент давлат юридик университети, Шпайер шаҳридаги Германия маъмурий фанлари университети ректорлари ҳамда Германия оммавий-ҳуқуқий бошқарув тадқиқот институти директори томонидан имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

2. Шартнома аввалдан беш йилга тузилган. Ушбу шартноманинг барча ўзгариш ва қўшимчалари ўзаро келишишни талаб қилади. Томонларнинг ҳар бири, бошқа томонни Шартномани бекор қилиш муддатидан ўн икки ой аввал хабар қилган ҳолда, мазкур шартноманинг амал қилишини вақтинча тўхтатиб туриши ҳуқуқига эга.

Тошкент давлат юридик
университети учун

ю.ф.н. Есемурат Канъязов
Ректор

Шпайер шаҳридаги
Германия маъмурий
фанлари университети учун

Проф. д-р Йоахим Вийланд
Ректор

Германия оммавий-
ҳуқуқий бошқарув
тадқиқот институти учун

Проф. д-р Ян Цийков
Директор



“14” Сентябрь 2016 й.

“2-” Ноябрь 2016 й.

“27” Октябрь 2016 й.